ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КЕГЕЙЛИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

230500, Кегейли шахарчаси Гарезсизлик кўчаси, 4 уй
тел.: (8 361) 412-24-39 факс: (8 361) 412-14-39

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
КЕГЕЙЛИ РАЙОНЫ ҲӘКИМИНИҢ
ШЕШИМИ

230500, Кегейли посёлкасы Гарезсизлик көшеси, 4 жай
тел.: (8 361) 412-24-39 факс: (8 361) 412-14-39

«10» февраль 2018 йил **№ 119-02** **Кегейли тумани**

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси ёнидаги «Давлат техник назорат» инспекциясининг 2018-йил 4-январь кунги 1т-сон фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013-йил 25-апрельда 2452-сон билан рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013-йил 2-апрельдаги 58-сон фармойиши билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013й, 17-сон, 229-модда) талабларидан келип чиқиб, туманда 2018-йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ва «Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асос

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси 1-иловага, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясига:

а) мулкчилик шаклидан қаттий назар барча маркадаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш жадвалини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

б) техник талабларга жавоб бермайдиган техник насоз техникаларни ижлатишни тақиқлаш;

в) техник кўрик давомида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг

асбоб ускуналарининг экиш мавсумига таёрлиги, ҳар бир тракторчи-машинистнинг тегишли техникани бошқариш учун рухсат берилган категориясининг мавжудлиги, техникаларнинг белгиланган тартибда рўхатдан ўтказилганлиги ва бошқа техник талабларга жавоб беришига этибор каратиш;

г) техник кўрикдан ўтган техникаларни баяённома асосида ишлашга рухсат беришни ташкиллаштириш вазийфалари топширилсин;

3. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи кархона, ташкилотлари, тижорат банклари ва ўзини-ўзи бошқариш органи маҳалла фуқаролар йиғини раисларига:

а) рўйхатдан ўтган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, асбоб ускуналарининг техник кўрикдан ўз вақтида ўтказиш учун таёр ҳолда, белгиленган жойга йғиш;

б) техник кўрикдан ўтказилган хар бир техника учун ўндириладиган йғимларнинг ўз вақтида тўланишини тамийнлаш;

в) хар бир мәҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудидаги шахсий қишлоқ хўжалиги техникаларининг техник кўрикдан ўтишини ташкиллаштирисин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи:

Тумандаги кархона, ташкилот, машина-трактор парки очиқ акцидорлик жамийяти, альтернатив машина трактор парклари, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари, асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимларни тўлашда амалдаги тартибга руё этилишига ёрдам бериш топширилсин.

5. Кегейли туман ҳокимининг 2017-йил 28-февральдаги «Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 191/1-02-сон қарори («Кегейли турмысы» газетаси, 2017-йил 20-март 5(6145)) 2017-йил 31-декабрдан ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи зиммасига юклатилсин.

7. Ўшбу қарор туман ҳокимлиги веб-сайтинда ва “Кегейли турмысы” газетасинда расмий тарзда эълонт қилинган кундан бошлаб кучига киради.

Кегейли туман ҳокими в.в.б: **К. Халмуратов**

KO'SHIRMESI BUDIR